O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 6-noyabr • Payshanba • 132 (27.937) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Барчангиз яхши билан сизки, келажак авлод ҳақида қайғуриш, соғлом, баркамол наслни тарбиялаб етиштиришга интилиш бизнинг миллий хусусиятимиздир.

БОЛГАРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ЎЗБЕКИСТОНГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов 5 ноябрь куни давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

Пойтахт аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Болгария Республикаси Президенти Георги Парванов Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан учрашади. Президентлар икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга доир масалаларни, ўзларини қизиқтирган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Болгария ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

(ЎзА)

ФАРОВОН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда ёш авлоднинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олиши, етук инсонлар бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда.

Хоразм вилоятида бу борада амалга оширилаётган ишлар қамрови йил сайин кенгайиб бораётир. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида белгиланган вазифаларни бажаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Вилоятимиздаги 435 мактаб давлат умуммиллий дастурига киритилган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Қурамбой Тожиев. — Улардан тўрттасини бутунлай янгидан қуриш, 124 мактабни капитал реконструкция қилиш, 225 мактабни капитал, 82 мактабни эса жорий таъмирлаш кўзда тутилган. Белгиланган янги мактаблар қуриб битказилди. Капитал реконструкциялаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишлари босқичма-босқич бажарилмоқда.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири

✓ 2008 йил – Ёшлар йили

ИШГА КИРМОҚЧИМИСИЗ?

Меҳнат бозорига марҳамат!

Тошкент вилояти ҳокимлиги томонидан Ёшлар йилида ибратли бир ташаббусга қўл урилди. Мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ҳафтасига бир бор вилоят миқёсида ёшлар билан мулоқот уюштириш ва меҳнат бозори ташкил этиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари, вақти-вақти билан туманлар ва шаҳарлараро меҳнат ярмаркалари ўтказиш ҳам доимий анъанага айланди. Уларга асосан касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларини тугатганлар, Қурол-ли Кучларимиз сафида йигитлик бурчини ўтаб қайтганлар ҳамда ишсиз мақоми билан рўйхатга олинганлар таклиф этилади.

2-бет >

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

Тошлоқ туман тиббиёт бирлашмасининг туғруқ мажмуи булими Осиё Тараққиёт банки кўмагида энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Натижада 60 ўринга мўлжалланган мазкур туғруқ мажмуи бўлимида она ва болага сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имкони яратилди.

Кейинги йилларда туманда кўплаб замонавий тиббиёт масканлари барпо этилди. Қишлоқ врачлик пунктларига «Саломатлик-2» лойиҳаси асосида замонавий тиббий жиҳозлар келтирилди.

— Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш учун аввало оилада тиббий маданият ҳамда соғлом турмуш тарзини шакллантириш зарур. — дейди туғруқхона мажмуи бўлими бошлиғи Набирахон Раҳмонова. — Кўрилаётган ана шундай чора-тадбирлар туфайли туғруққача бўлган даврда ва туғруқ жараёнида оналар ва чақалоқлар соғлиғи тобора мустаҳкамланиб, турли касалликларнинг олди олинмоқда. Туғруқ мажмуамизда соғлом она — соғлом бола тамойили энг устувор вазифага айланган.

•••

Суратларда: тиббиёт ходимларидан бир гуруҳи; ҳамшира Дилфуза Каримова чақалоқни тиббий кўрикдан ўтказмоқда.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

✓ Қишга тайёргарлик – долзарб масала

АҲОЛИ БИЛАН МУЛОҚОТ

Куз-қиш мавсумида истеъмолчиларнинг табиий газга бўлган талаби ортади. Соҳа вакилларининг аҳоли билан учрашувларида газдан тежамли фойдаланиш, ўз вақтида газ ҳақини тўлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ғарбгазтаъминот» унитар корхонасининг Навоий вилояти бошқармаси томонидан Президентимизнинг шу йил 29 майда қабул қилинган «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Истеъмолчиларга 4 минг 200 километрлик турли босимли газ тармоқлари ҳамда 2 минг 824 газ тақсимлаш қурилмалари ёрдамида табиий газ етказиб берилмоқда.

Иситиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди. Барча жойлардаги газ асбоблари, иситиш қозонлари, печкаларининг ҳолати назоратдан ўтказилди. Ўтхоналар, мўрилар, газ плиталари таъмирдан чиқарилди. Қиш мавсумига тайёргарлик, табиий газдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш юзасидан жойларда учрашувлар ўтказилмоқда. Бундай амалий мулоқот Хатирчи бўлиб ўтди, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа, Конимех туманлари аҳолиси ўртасида ҳам ташкил этилади.

Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

✓ ЎзХДП: бошланғич ташкилот — асосий таянч

ЕТАКЧИ

Ҳар бир инсон фаровон яшашни, маънавий неъматлардан баҳраманд бўлишни хоҳлайди. Аслида ҳам у дунёга гўзал ҳаёт кечириш учун келади. Ана шу эзгу тилакни амалда таъминлаш масаласи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Дастурида ҳам алоҳида қайд этилган. Шуниси қувончлики, ушбу Дастурдаги ғояларни чуқур ўрганиб, ХДП хайрихоҳи, аъзоси бўлишни, бу ишларга ўз ҳиссасини қўшишни истаётган ёшлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада айрим бошланғич партия ташкилотларининг саъй-ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз.

— Президентимиз айтганидек, элим деб, юртим деб ёниб яшаётган сафдошларимиз кўп, — дейди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қарши туман кенгаши раиси Замирахон Азизова. — Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Қовчин» хусусий савдо ишлаб чиқариш корхонаси бошланғич партия ташкилоти ўзининг амалий ишлари билан пешқадамлардан бири. Иброҳим Холёров корхонанинг ҳам, бошланғич партия ташкилотининг ҳам раиси, ХДПдан халқ депутатлари туман Кенгаши депутати. Кейинги йилларда унинг ташаббуси билан кўпгина хайрли ишлар амалга оширилди.

Туман партия кенгаши етакчисининг ушбу сўзларидан сўнг И.Холёровнинг фаолияти билан танишишни ният қилдик. Ўрта бўйли, истараси иссиқ бу инсон ўз режалари, амалга оширган ишлари ҳақида гапириб берди.

— Бошланғич ташкилотда партиямизнинг 11 нафар аъзоси бор — дейди у.

2-бет >

✓ ЎзХДП: Жамоатчилик қабулхоналарида

ЭЛЕКТОРАТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

Олот туман партия кенгашида бўлганимизда истараси иссиқ бир қиз ЎзХДП туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонаси навбатчиси Ҳасан Қурбоновга миннатдорчилик билдираётгани устидан чиқдик.

— Биласизми, Жамоатчилик қабулхонаси орқали айрим муаммоларим ўз ечимини топди, — деди у ўзини Ирода Икромова деб таништираркан. — Қоракўл тиббиёт коллежини битирдим. Шу кунларда қабулхонадагилар ўқишни давом эттиришимни маслаҳат беришди. Мана, ҳозир Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олаяпман. Яна бир неча йилдан сўнг Арабхона қишлоқ фуқаролар йиғинига шифокор бўлиб қайтаман.

Шу пайт эшик очилиб, туман ҳокимининг ўринбосари, ХДП фаоли Наргиза Неъматова кириб келди.

— Асли касбим шифокор, — деди у суҳбатга қўшилиб ва яна таъкидлади. — Партиявий ишга боғланиб қолганман. Бунинг устига, Жамоатчилик қабулхонасида электоратимиз вакиллари билан тез-тез илиқ суҳбат қурамиз. Бу одамга ўзига хос завқ бағишлайди.

Наргиза опа бир неча йил туман партия кенгашига раислик қилган. Шу боис ҳозир ҳам партия кенгаши билан алоқани узмаган. Қабулига келувчи ҳимояга муҳтож, маслаҳат ва йўл-йўриқ олишни истаган кўпгина хотин-қизларнинг дардига малҳам. Шу билан бирга, партия электорати, аҳоли кенг қатлами ўртасида тарғибий-ташвиқий ишларни доимий равишда олиб боради.

2-бет >

КОММУНАЛ СОҲАДА ЯНГИ ТИЗИМ

Коммунал хизмат кўрсатишни ислоҳ қилиш ва шу йўл билан иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири. Соҳада бошқарув тизими самарадорлигини ошириш мақсадида Наманган вилоят ҳокимлигининг уй-жой, коммунал хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш департаменти ташкил этилганди.

Кейинги таҳлиллар соҳага тегишли бўлган уй-жой фонди, муниципиал ва коммунал мулк объектларидан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳам зарурат эканини тасдиқлади. Соҳада сервис хизматини такомиллаштириш, моддий техника ресурсларини аниқлаш, уй-жой фонди ва коммунал мулк объектларидан тўғри ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш мақсадида вилоят ҳокимлигининг муниципиал, коммунал мулк объектларини ва уй-жой фондини бошқариш давлат унитар корхонаси тузилди. Мазкур тизимнинг аҳамиятли жиҳати ЎзХДП электорати манфаатлари билан уйғунлигидир.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ

Воқеалар, хабарлар

ТАРАДДУД АВЖИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикасида ҳам фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.

Жойларда қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган ишчи гуруҳлари ишламоқда.

Нукус шаҳридаги «Май овул» маҳалла фуқаролар йиғинида саккиз ярим мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда тузилган ишчи гуруҳи аъзолари аҳоли ўртасида сайловнинг аҳамияти, фуқаролик жамияти барпо этишда маҳаллаларнинг ўрни, маҳалла оқсоқоли, унинг маслаҳатчиларига қўйиладиган талаб ва вазифалар ҳақида тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб бормоқда.

А.ОРТИҚБОЕВ, ЎзА мухбири

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

Тошкент Шимолий темир йўл вокзалидан «Она Ватан тарихи» шиори остида кам таъминланган оила фарзандлари Самарқанд шаҳрига саёҳат қилиш учун жўнатилди.

«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси «Ёшлар йили» Давлат дастури доирасида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, жумладан кўп болали ва кам таъминланган оилалар фарзандлари, ногиронлар, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга қаратилган махсус дастурлар режасини ишлаб чиққан. Унга кўра жойларда турли хайрия ва маданий-маърифий йўналишдаги тадбирлар ўтказилмоқда.

Ушбу хайрли ишларнинг давоми сифатида жамғарма ва Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган 43 нафар кам таъминланган оила фарзандлари ва Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари сафарга жалб қилинди.

«Туркистон-пресс»

ҚИССА ВОҚЕАЛАРИ ЭКРАНДА

Алишер Навоий номидаги кино саройида Тоҳир Маликнинг «Иблис девори» қиссаси асосида суратга олинган фильмнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди. Фильм бугунги киномизнинг забардаст ижодкорлари томонидан суратга олинган: сценарий муаллифи А.Шаҳобиддинов, режиссёр Ё.Саъдиев, асосий ролларни И.Раҳимжонова, К.Мирҳодиев, Э.Носиров каби таниқли актёрлар ижро этган. Кино воқеаларида оталар, болалар, набиралар қатнашади, ҳалоллик ва худбинлик ўртасидаги азалий кураш тасвирланади. Хуллас, барчаси ҳақида «Иблис девори» фильмини томоша қилиб билиб олишингиз мумкин.

(Ўз мухбиримиз)

БУГУНГИ СОНДА:

• «ҚОНУНДАН ЗЎР, СУДДАН КУЧЛИ» 2

• ОЛАМНИНГ КЎРКИ — ЯШИЛЛИК
ёки уни асраш, кўпайтириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида мулоҳазалар... 3

• ҚИЗЛАР РАЪНОСИ

4

O'zbekiston havo yo'llari TOSHKENT XALQARO AEROPORTI Хизматлар лицензияланган

✓ ЎзХДП ҳаёти

Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика, вилоятлар, шунингдек, шаҳар ва туман кенгашлари қишлоқ ва овулларда, электорат орасида 1 ноябрь — партия ташкил топган кун муносабати билан кўплаб учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этаяпти.

ХАЙРИХОҲЛАР БИЛАН АЛОҚА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ХДП Кегайли туман кенгашида бўлиб ўтган йиғилиш партиямизнинг мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги ўрни, дастурий ғоялари тарғиботи масалаларига бағишланди. Бу ҳақда йиғилганларга туман партия кенгаши раиси Еркин Хожанов гапириб берди. У Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳаётида юз берган янгиланишлар, ўзгаришлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, таълим тизими соҳа ходимлари ҳамда партиямиз электоратини ташкил этадиган бошқа қатламлар манфаатларини ҳимоялашга қаратилган вазифалар ҳақида тўхталди.

Сўзга чиққанлар туманда мамлакатимиз Президенти фармон ва қарорлари, ҳукуматимиз қарорлари асосида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришда ЎзХДП аъзоларининг фаол иштироки, партия ғояларини амалга оширишда электорат билан алоқаларни янада кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш борасидаги ишларга эътибор қаратдилар.

Йиғилиш сўнггида партия ғояларини тарғиб этиш ва дастурий мақсадларини амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшаётган фаолларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари, туман партия кенгашининг эсдалик совғалари топширилди. Шундай тадбирлар Нукус, Тахиатош шаҳар ҳамда Нукус, Чимбой, Қонликўл, Амударё, Қораўзак туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши томонидан ҳам Аброр Ҳидоятов номидаги театрда ушбу сана муносабати билан тантанали кеча ташкил этилди. Сўзга чиққанлар партия ташкилотлари олдида турган вазифалар, эришилган ютуқлар тўғрисида сўз юритдилар. Партия ғояларини тарғиб қилиш, дастурий мақсадларини амалга оширишда фидойилик кўрсатаётган бир гуруҳ фаолларга Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Фахрий ёрлиқлари, шаҳар, туман кенгашлари эсдалик совғалари топширилди.

Элёр НОСИРОВ, театр раҳбари, ЎзХДП аъзоси:

— Бизнинг фаолиятимиз ҳам партиямизнинг маънавият ва маърифат йўналишидаги дастурий вазифалари, мақсади билан ҳамоҳанг. Бу уйғунлик бизнинг бирдамлигимиз, ҳамқадамлигимиздан далолатдир. Шу сабабли жамоамизда ЎзХДП хайрихоҳлари, унинг Дастурида илгари сурилган ғояларни қўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этади.

Кимёхон ШОКИРОВА, Юнусобод туманидаги 52-оилавий поликлиника бош шифокори, ЎзХДП фаоли:

— Партиямиз электорат билан ишлаш, унинг ғояларини тарғиб этишда яхши тажриба тўплади. Бунинг натижасида аҳоли кенг қатламлари, хусусан электорат орасида ЎзХДПнинг обрў-эътибори ортиб бораяпти. Биз фаоллар ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришимиз зарур. Зеро, бугунги тезкор ривожланаётган замоннинг ўзи биздан янада фаолроқ бўлишни талаб этаяпти.

Тадбир давомида «Ёш сиёсатчи — 2008» танловининг Тошкент шаҳар босқичи ғолиблари тақдирланди.

Сайёра ДЕҲҚОНОВА, танлов иштирокчиси:

— Бу танлов сиёсий билимимизни янада ошириш учун катта имконият бўлди. Мен партиянинг ёш аъзосиман. Ўз фаолиятимни «Истиқбол» ёшлар қанотида олиб бораман. Шу жараёнда тенгдошларимиз орасида кўпгина тадбирлар ўтказаяпмиз. Билимларимизнинг ортиши эса бу йўналишдаги ишлар самарасининг янада ошишига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, маросимда партия сафига янги қабул қилинган ёшларга аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Тадбир сўнггида ташкил топганига яқинда 40 йил тўлган театрнинг ижодий жамоаси томонидан «Аяжонларим» спектакли намойиш этилди.

Гулруҳ ОДАШБОЕВА.
Абдивоси ҲАЙДАРОВ
олган сурат

ЭЛЕКТОРАТНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Биз опадан кўп нарсани ўрганишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди туман партия кенгаши раиси Фахриддин Исаев. — Йил бошидан буён қабулхонага олтмишга яқин фуқаро турли масалалар билан ва маслаҳат сўраб мурожаат қилган. Аксариятининг талаби қондирилди. 3 кишига ер участкаси олиш, 11 нафарини иш билан таъминлаш, 17 кишига моддий ёрдам кўрсатиш, икки нафар партия аъзосининг соғлиғини тиклашга кўмаклашилди. Йирик бошланғич партия ташкилотларимизда ҳам Жамоатчилик қабулхоналари ишлаб тургани боис, электоратимизни ташвишга солаётган муаммоларни жойларнинг ўзида ҳал қилишга эришаяпмиз.

Дарвоқе, «Ўзагросуғурта»нинг Олот бўлими, нефть ва газ қидирув экспедицияси, туман ўрмон хўжалиги бошланғич партия ташкилотларидаги Жамоатчилик қабулхоналари электоратнинг ҳақиқий таянчи ва суянчига айланган. Талқонсаётлик Шермат Наврўзов, буржоқлик Ҳайдар Муродов, чандирлик Ориф Қурбонов, арабхоналик Муҳайё Эллиева сингари партиядошларимизнинг банкдан имтиёзли кредит олиш, уй-жой қуришга ер ажратиш, муқим иш жойига эга бўлиш каби муаммолари ҳал этилишида бу тузилманинг ёрдами катта бўлди.

Бундай мисолларни Бухоро шаҳри, Вобкент, Ғиждувон, Бухоро, Қоракўл туман партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятидан ҳам келтириш мумкин.

— Фуқаролар, электоратимиз вакиллари муаммоларининг жойида ҳал этилишига эришаётган бўлсак-да, мурожаатларнинг мониторингини юритишда ҳафсаласизлигимиз ҳам бор, — дейди ЎзХДП вилоят кенгаши раиси Саида Жўраева. — Пешкў, Ромитан, Қоровулбозор, Жондор, Когон туман партия кенгашларида шу йилнинг ўтган даврида бор-йўғи 19-32 та мурожаат қайд этилгани бунинг исботидир. Яна бир камчилигимиз — халқ ишонч билдириб сайлаган депутатларимизнинг ҳаммаси ҳам ўз фаолиятини Жамоатчилик қабулхоналари билан узвий боғлаган эмас.

Ҳа, бугун сиёсий партиялар кенг қўламли фаолият юритиши учун қулай имконият яратилган. Электорат билан яқин алоқа ўрнатишда ЎзХДП Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамият касб этади. Бу ерда нажот излаб келганларнинг муаммоларини ҳал этиш билан бирга, эмин-эркин суҳбатлашиш ва маслаҳат беришга имкон бор. Агар, Жамоатчилик қабулхоналари имкониятларини янада кенгайтирсак, бу тузилманинг том маънода электоратни қўллаб-қувватлаш марказига айлантирган бўламиз.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Бундай хайрли саъй-ҳаракатлар икки томонлама наф келтирмоқда. Аввало, вилоят ёки туманлараро меҳнат бозорига ўзларида мавжуд бўш иш ўринларини тақдим этган корхона-ташкилотлар жамоалари ўзлари учун зарур кадрларни танлаб-саралаб олиш имконига эга бўлмоқдалар. Қолаверса, яшаш жойида иш тополмаётганлар ёки олисга қатнаб ишлашга қийналаётганлар қишлоғига туташ қўшни туман ёки шаҳардаги корхона-ташкилотга ишга кириб, ҳам вақтдан, ҳам маблағдан ютмоқдалар...

Ўрта Чирчиқ туманининг Кумовул қишлоғида бўлиб ўтган меҳнат ярмаркаларидан бирида юздан зиёд корхона-ташкилот талабгорларга 2357 та иш ўрни таклиф этди. Шундан 526 тасига эга топилди. Олмаликдаги ҳудудий ярмаркада Ангрен, Оҳангарон ва Пскентда фаолият кўрсатаётган 103 та корхона ва ташкилотлар 5000 та иш ўрни билан қатнашди. Пировардида, 800 нафар ёш мутахассиснинг талаби қондирилди. Янгийўлда ўтказилган туманлараро ярмаркада эса 2236 нафар иш изловчидан ярмидан ортиғининг эзгу нияти амалга ошди. Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ туманларидаги тадбирларда ҳам шундай юқори натижаларга эришилди.

ИШГА КИРМОҚЧИМИСИЗ?

Меҳнат бозорига марҳамат!

Табиийки, меҳнат ярмаркаларини ўтказиш асносида аёллар ва собиқ асркарларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий эътибор қаратилаётир. Самараси ҳам шунга яраша. Масалан, сўнгги икки ой ичида 1250 га яқин хотин-қиз тикувчилик корхоналарида, тиббиёт ва таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қила бошлади. Кўкламда армия сафидан қайтган 1300 нафар йигитнинг 45 фоизидан ортиғи олий ўқув юртларига ҳужжат топширган ёки ҳуқуқ-тартибот идораларига хизматга кирган бўлса, қолганлари турли корхона ва ташкилотлар жамоаси сафига қўшилдилар.

Ёдингизда бўлса, Юртбошимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида **«Ёш мутахассислар тайёрланаётган ихтисослик йўналишларининг барчасига ҳам иқтисодиётимиз соҳа ва тармоқларида амалий талаб борми? Лицей ва коллежлар, олий ўқув юртларини битириб чиқаётган йигит-қизларимиз жамиятда ўзига, ўз касбига муносиб иш топаяптими?»** деган саволларни ўртага кўндаланг қўйганди.

Вилоятда бу борада ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир шаҳар-туманларда замонавий лаборатория жиҳозлари ва ўқув воситалари билан жиҳозланган 98 та касб-ҳунар коллежи ва 5 та академик лицей ишлаб турибди. Уларда аксарияти олий ўқув юртларидан жалб этилган тажрибали амалиётчи ва ўқитувчилар бўлғуси кадрларга сабоқ беришмоқда. 94607 нафар ўқувчи педагогика, тиббиёт, хизмат кўрсатиш, маданият ва спорт, энергетика, металлургия ва кончилик сингари ўндан ортиқ йўналиш бўйича назарий билим олиб, бир юз қирққа яқин мутахассисликни эгаллашмоқда. Шу жараёнда компьютер техникаларидан, интернет тармоғига уланган 44 та ахборот-ресурс маркази хизматидан унумли фойдаланилмоқда. Яқин келгусида вилоятда бундай касб-ҳунар даргоҳлари сонини ҳозиргига нисбатан бир ярим баравар кўпайтириш кўзда тутилган.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

✓ «Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

«ҚОНУНДАН ЗЎР, СУДДАН КУЧЛИ»

Шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада айрим жойларда суд қарорларини ижро этишдаги муаммолар баён қилинган эди. Таҳририятимизга мақолага муносабат билдирилган мактублар келди. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

Интизомий жазо қўлланилди

«Ўзбекистон овози» газетасининг 2008 йил 27 сентябрь сонида босилган «Қонундан зўр, суддан кучли ёки айрим суд қарорлари ижро этилмаётгани ва уларнинг оқибатлари ҳақида»ги мақола Наманган вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди.

Мақолани ўрганиш жараёнида, вилоят хўжалик судининг 2007 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қарорига асосан Чуст туманидаги «Марҳамат» фермер хўжалигидан «Қатор қир» фермер хўжалигига тегишли бўлган 2,17 гектар ер майдонини қайтариш ва жавобгар зиммасига даъвогарга тегишли бўлган 0,04 гектар ер майдонидаги ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш мажбурияти юклатилгани аниқланди.

Мазкур ижро ҳужжати суд ижрочиларининг Чуст туман бўлимига 2008 йил 21 январда келиб тушган бўлиб, 2008 йил 15 майда ҳужжат ижроси таъминланиб, 2,17 гектар ер майдони «Қатор қир» фермер хўжалигига олиб берилган ва жавобгар зиммасига 0,04 гектар ер майдонидаги ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни бузиб ташлаш мажбурияти юклатилган.

Бирок, 2008 йил 30 сентябрда ундирувчи «Қатор қир» фермер хўжалиги суд ижрочиларининг Чуст туман бўлимига такроран мурожаат қилиб, қарздор «Марҳамат» фермер хўжалиги суд ҳужжатида кўрсатилган ерлардан яна фойдаланиб келаётгани, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни бузмаганини билдирган.

Мақола юзасидан ўтказилган текшириш ва ижро ҳаракатлари жараёнида қарздор «Марҳамат» фермер хўжалиги вилоят хўжалик судининг 2007 йил 15 октябрдаги ҳал қилув қароридан норози бўлиб, Олий хўжалик судига кассация шикояти келтирганлиги ва иш кассация босқичида кўрилаётганлиги аниқланди.

Шунингдек, суд ижрочиларининг Чуст туман бўлими катта суд ижрочиси мазкур ижро ҳужжати юзасидан ижро ҳаракатларини Ўзбекистон Республикасининг «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонунида белгиланган 2 ойлик муддатда ижро этмаганлиги сабабли унга нисбатан департамент ҳудудий бошқармаси бошлиғининг 2008 йил 10 октябрдаги буйруғи билан «ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизи» миқдорида интизомий жазо қўлланилди.

Наманган вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Ш. АБЕРКУЛОВ»

Ижро таъминланади

«Мақолада келтирилган ҳолатлар ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг даъвогар О.Исоқованинг жавобгар А.Саъдуллаевни уйдан мажбурий чиқариш ҳақидаги даъво аризаси бўйича 2008 йил 20 июндаги даъвони таъминлаш мақсадида Бахмал тумани, Ўсмат шаҳарчаси, Мустақиллик кўчасидаги 20-рақамли бинога банд солиш, бинони бузиб ташлаб яроқсиз ҳолга келтиришни тақиқлаш ҳақидаги ажрими суд ижрочиларининг Бахмал туман бўлимига 2008 йил 30 июнда келиб тушган ва шу куни ижро иши юритишни қўзғатиш ҳақида қарор қабул қилинган.

Суд ижрочиси томонидан бинога банд солинганлиги эълон қилиниб, бу ҳақида далолатнома тузилган ва бинога шикаст етказилган тақдирда ЖК нинг 233-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортишлик ҳақида огоҳлантирилган. Ушбу далолатномага қарздор А.Саъдуллаев имзо чекишдан бош тортган.

Фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судининг Бахмал туман ҳокимининг 2007 йил 17 майдаги Бахмал туман молия бўлимининг эски биносини А.Саъдуллаевга шахсий уй-жой сифатида бериш ҳақидаги 440-сонли қарорини ҳақиқий эмас деб топиш, А.Саъдуллаевни оила аъзолари билан О.Исоқовага тегишли бўлган Бахмал туман, Ўсмат шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси 20-уйдан мажбурий чиқариш ҳақидаги 2008 йил 28 июндаги ажрими асосида берилган ижро варақаси суд ижрочиларининг Бахмал туман бўлимига 2008 йил 21 июлда келиб тушган.

Фуқаро А.Саъдуллаев суд ажрими билан банд солинган Бахмал туман, Ўсмат шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси 20-уйни бузиб ташлаб яроқсиз ҳолга келтирган бўлиб, мазкур ҳолат бўйича Бахмал туман прокуратураси томонидан унга нисбатан ЖКнинг 233-моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов натижалари билан жиноят иши судга юборилган ва ҳозирда кўрилмоқда.

А.Саъдуллаев оила аъзолари билан мажбурий тартибда чиқарилиши лозим бўлган бино у томонидан бузиб ташланиб, яроқсиз ҳолга келтирилиб, ўрнида янги иморат қураётганлиги сабабли суд қарорининг ижросини таъминлашда тушунмовчилик юзага келган бўлиб, суд ижрочиси томонидан 2008 йил 25 августда фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига тушунтириш бериш ҳақида хат юборилган. Суд томонидан 2008 йил 16 октябрда тушунтириш берилган бўлиб, унга кўра А.Саъдуллаев Бахмал тумани, Ўсмат шаҳарчаси, Мустақиллик кўчаси 20-уйдан чиқарилиши кўрсатилган. Ҳозирда мазкур ижро ҳужжатининг ижросини таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Жиззах вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси Р.ПЎЛАТОВ»

ЕТАКЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

— 2008 йилнинг январ ойидан буён ташкилотнинг беш марта йиғилиши ўтказилди. Ҳар бир йиғилишда кундалик ҳаётимизда учраб турадиган долзарб муаммолар, ижтимоий масалалар кўтарилди.

Шу йилнинг август ойидаги йиғилишда аҳолининг кам таъминланган қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш масаласини муҳокама қилдик. Дарҳақиқат, Қовчин қишлоғида ҳам кам таъминланган оилалар бор. Ўтган йили қишлоқдаги 10 та ана шундай оилага қорамол топширган эдик. Жорий йилда корхонамиз имкониятларини ҳисобга олиб, боқувчисини йўқотган одамларга моддий ёрдам кўрсатдик. Яқинда эса қиш мавсумига тайёргарлик, аҳолини кўмир ва турдош ёқилғи билан таъминлаш масаласи муҳокама этилди. Бу борада Қовчин қишлоқ фуқаролар йиғини раҳбарларининг ахбороти тингланиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Савдо соҳасида бой тажрибага эга бўлган Иброҳим Холёров 1993 йилда «Қовчин» савдо ишлаб чиқариш корхонасини ташкил қилиб, қишлоқда қатор цехлар очди. Дастлаб тўрт нафар киши иш бошлаган корхонада ҳозир юздан ортиқ ишчи фаолият юритади. Қишлоқ марказининг чирой очишида Иброҳим аканинг ҳиссаси катта. Қатор савдо дўконлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, чорва бозори ҳамда нон ва макарон цехларини қуриб, ишга туширди. 2001 йилда у Президентимиз Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Яхши ният билан тиниб-тинчимаслиги туфайли жамоа аъзолари ҳурматини қозонди. Атрофдагиларни ҳам ўзи бошлаган эзгу ишларга, партия фаолиятига жалб этди. Айни пайтда «Қовчин» хусусий савдо ишлаб чиқариш бирлашмаси ходимларидан Тўхта Ҳамроев, Рустам Рўзиев, Юсуф Оромов ва бошқалар ХДП Дастурида белгиланган ғояларнинг фаол тарғиботчиларига айланган. Жамоа аъзолари келажакда сутни қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик завод қуриб, яна кўплаб йигит-қизларни иш билан таъминлаш, ўз ортларидан эргаштириш ниятида. Иброҳим ака чин маънода етакчи, бағри кенг инсон.

Муҳтарама БАҲРОМОВА

КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

Мамлакатимиз жанубида «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўлининг фойдаланишга топширилиши иқтисодий ва ижтимоий ҳаётимиз ривожида кенг имкониятлар эшигини очмоқда. Айни пайтда воҳада автомобиль йўллари қуриш, мавжудларини кенгайтириш ва таъмирлаш ишлари ҳам изчил давом этаётир.

— Йўлсозларимиз воҳанинг шимолий туманларида хайрли юмушлар бажаришмоқда, — дейди Денов туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси раҳбари Менгтўра Меликулов. — Айни кунларда халқаро аҳамиятга молик М-41 «Алмати-Бишкек-Душанбе-Термиз» автомобиль йўлининг 1543-километрида ишлар қизғин. Бу ерда Қумқўрғон тумани ҳудудида қурилган 4 Р-104 «Қумқўрғон-Кофрун-Бойсун» автомобиль йўлини таъмирлаш ишлари бормоқда. Жамоанинг бир қисми Бандихон туманидаги йўл қурилишида ҳам жонбозлик кўрсатишаётир. Жорий йилнинг ўтган даврида 90 миллион 600 минг сўмга яқин қурилиш ишлари поёнига етказилди. Бу йўллар мамлакат иқтисодиёти тараққиёти ва коммуникация ривожида жуда муҳим ўрин тутади.



Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.
Зарифжон ХИДИРОВ,
журналист.

Суратларда: *Денов туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш давлат корхонаси йўлсозлари фаолиятидан лавҳалар.*
М.ЖУМАЕВ олган суратлар.

✓ Ўрмон — умумбойлигимиз

ОЛАМНИНГ КЎРКИ — ЯШИЛЛИК

ёки уни асраш, кўпайтириш ва бу борада амалга оширилаётган ишлар хусусида мулоҳазалар...

(Иккинчи мақола)

МУТАХАССИС МАСЛАҲАТИ

Муродбой ҒАНИЕВ, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:

— Жамиятнинг энг бебаҳо бойлиги — соғлом халқ, баркамол миллат. Бу эса атроф-муҳит, ҳаво софлиги, иқлим мўътадиллиги, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотларига бевосита боғлиқ. Ўрмонлар ва дарахтлар инсонга айнан шундай муҳитни яратиб бергувчи манба.

Дарахтлар, ўсимликлар тирик организм. Кўчатлар ниҳоллар биздан катта эътибор ва парвариш талаб қилади. Кези келганда айтиш керак, қайси кўчатни қачон, қаерга, қандай экиш технологиясига риоя этиш лозим. Афсуски, одамлар бозорларда «кўчатфурушлик» орқасидан мўмай даромад орттираётган «сохта боғбон»лар алдовларига ишониб қолаяпти. Чунки бундай кўчатларнинг илдизи калта қирқилган, буклаб ихчамлаштирилган бўлиб, улар мўътадил ҳароратда, ёпиқ хоналарда, «ўз тупроғи» билан сақланмаган, амал олиш ёки илдиз отиш муддати ўтиб кетган ҳолатда сотилади.

Кўчат экиш технологиясида кўчат жойидан кўчирилгач, илдизи букланмаган ҳолда, камида 2-3 килограмм «ўз тупроғи» билан ўтқазилиши керак. Бироқ, кўпчилик кўчатни палапартиш экади, натижада ниҳол амал олмайди, қуриб қолади. Оқибатда, одамларнинг боғ-роғлар яратиш, «яшил дунё» барпо этишга бўлган иштиёқи сўнади...

Бошқармамиз тасарруфида 734 гектар кўчатхона бор. Ҳар йили корхоналаримиз мингминглаб туп сифатли, иқлимбоп кўчатлар тайёрлайди.

Мутахассисларимиз харидорга ҳар бир дарахтни, ўсимликни қачон, қандай ўтқазиш, парвариш қилиш бўйича тавсиялар беради.

Қўлигул одамлар боғ-роғлар, ўрмонлар яратмоқда. Тўғриси, бу ҳақда кўп гапирамиз, ниҳол ўтқаз, дарахт эк деймиз. Аммо ўрмон ўзича ўсмайди, дарахт кўкармайди, кўчат амал олмайди. Кўнгилни хижил қиладиган мулоҳазалар туғилади.

Кези келганда, шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозим, республикамизда бозор иқтисодиётига ўтилиши муносабати билан қишлоқ хўжалигининг кўплаб тармоқлари хўжалик ҳисобидан молиялаштириляпти. Бироқ давлатимиз ўрмон хўжалигини бюджет ҳисобидан молиялаштиришни сақлаб қолди, ҳукумат қарори билан 2008 йилгача солиқ тўлашдан озод қилинди ҳамда ушбу қарор 2010 йилгача узайтирилишига асослар бор. Айни пайтда ўрмон хўжалиги корхоналари ҳам хўжалик ҳисобида фаолият юритишлари мумкин.

Замон ўзгарди, ерга, табиат бойликларига бўлган муносабат тубдан бошқача тус олди. Мамлакатимизда ерларни давлат тасарруфидан чиқариш сиёсати олиб борилаяпти. Жумладан, аграр сиёсатнинг асосий бўғинларидан саналган ўрмончилик масаласида ерга мулкчилик билан боғлиқ шахсий томорқалар асосан суғориладиган ерлар ҳисобига кенгайтириляпти. Ўрмон хўжалигида ҳам ерлар, боғлар узоқ муддатли ижарага, оилавий пудратга, фермер хўжаликларига бериляпти.

Болалигим боғрида эврилиб-эврилиб оққан Сайхун. Жиғилнинг напармон гулига беланган Мирзачўлда бир туп дарахтнинг қадри қанчалар баландлигини кўп эслайман. Сирдарё туманида «Чолтўқай» деган жой бор. Ўтмишда унинг шарқий қисмида одамлар «Узоқ шарқ» — «Дальний Восток» дейдиган чекка қишлоқ бўларди. Қишлоқдан 3-4 чақирим нарида, бийдай даштнинг қоқ ўртасида мўъжазгина ўрмон — узоқ-узоқлардан кўриниб турарди. Отам яратган «Тўғарак мирзатерак» ҳалиям кўз олдимда. Ўтган асрнинг 50-йилларида «чўл қувишга» сўлим Самарқанддан келган отам чатнаган чўлда салкам бир гектар майдонда боғ-роғ қилган, ўрмон яратган. Раҳматли негадир уйимизни уч қаватли «яшил тўсиқ» билан ўраб қўйганди. Худди ичкари-ташқари ҳовлига ўхшарди. Томорқа тўла сабзавот, полиз, кейин мевали боғроғлар, сўнгра беш қатор гир айлантириб экилган терак, тўрт томонда 4 туп эман, қарағай, 4 туп чинор савлат тўкиб турарди. Отам бизга тўрт қизига атаб тўрт чинор, тўрт эман эккан... Уйимиз, бир-биридан 5-10 чақирим наридаги 4 та қишлоқ ўртасида эмасми, одамлар, йўловчилар, от-уловли, пиёда чўлнинг ёз иссиғидаям, қиш қаҳратонидаям «Тўғарак мирзатерак» ўрмонида бир тўхтаб, нафас ростлаб, йўлида давом этарди. Балки тоғда қолган арчазорларини соғинибми, отам «ўн тупгина арча» экишни армон қилиб кетди. Эрта баҳорда, олисолис қишлоқлардан одамлар кўчат сўраб келишарди. Отам уларга, бир челак «илдиз тупроқ» билан қўшиб кўчат беррар, «эртани ўтказмаёқ ўтқазгин, йўқса, кўчат хароб бўлади, уволига қоламиз», деб тайинларди. У киши тўрт қизини ўқитиш, саводли қилиш учун «Қозоқовул» қишлоғига кўчиб келиб, яна «катта боғ», теракзор барпо этди. Мирзатеракларнинг ранги қорамтир бўлиб, ажиб бир улуғворлик билан кўрк тўкиб турарди. Юзни қоралаган бобоси энди ҳар невара, чевара кўрганда дарахт эккан эди...

«Катта боғ»нинг шиғилшиғил қора танали мирзатераклари, ёнғоқ, эман, тут ва сершох толлари яқин-яқингача қишлоққа кўрк бўлиб турди. Афсуски, отамдан кейин боғлардан файз кетди, дарахтлар сийраклашиб қолди.

Ҳозир ўша маҳалла «Деҳқонобод» деб аталади. Одамлари меҳнаткаш. Шунга яраша даромадлари ҳам яхши, дастурхонлари тўкин, бари ўзига тўқ.

Замонавий қишлоқ одамлари данғиллатиб, ҳашаматли уйлар қуришган, боғ-роғлар, томорқа, тагида машиналари. Ҳаммаси яхши, аммо отамдан қолган таниш бир манзари хира тортиб қолгандай. Ҳалиям ота уйим катта йўлдан 3 чақиримча ичкарида. Борганимда кўча бўйлаб хонадонлар боғларини кузатиб бораман. Баъзи одамлар ҳовли-жойни боплаб солишган-у, афсуски боғ-роғ қилишмаган, манзарали дарахтлар: терак, чинор, эман, қарағай ёҳуд игна баргли ва иҳота дарахтлари экмай қўйишган. Нари борса 5-6 туп мевали дарахт, 4 туп тол бор, холос.

Қизиқ, нега одамлар ҳовли-жойига гир айлантириб манзарали дарахт экишмайди?

МУТАХАССИС ТАКЛИФИ

Озодбек АШУРМЕТОВ, академик, ботаник олим:

— Бизнинг маҳаллий иқлим шароитимизда атроф-муҳит ҳавосини соф, аҳоли саломатлигини мустаҳкам сақлашда, шаҳар ва қишлоқ хонадонлари кўркини очишда кўкаламзорлаштириш, эман, жўка, каштан, қайин, қарағай, арча каби игна баргли дарахтларни экиш энг мақбул йўл. Энг кўп ҳавони эман тозалайди, уни ис газини кислородга айлантирадиган, қайта ишлайдиган «мини цех» дейиш мумкин. У минг йиллик дарахт. Касалликка, иқлимга чидамли. Ёки қайинни олинг: оқ танали ва пушти рангли, оқ, тўқ қизил, қора тусли кўркам турлари манзара очади.

Маҳалла ва ҳовли жойларни кўкаламзорлаштирилаётганда яна бир муҳим жиҳат — экилаётган дарахт ёки ўсимлик турининг биологик хусусиятини ҳисобга олиш керак. Масалан, дарахт ва буталарни экишда уларнинг юқори ҳароратга, қаттиқ совуққа, тупроқ шўрлигига чидамлилигини, ер ости сувлари ёки қақроқ жойларга қай даражада бардошлилигини ўрганиш керак. Оддий мисол, болалар муассасалари, мактаб, боғча, боғларга манзарали, мевали дарахтлар, гуллар, наъматак, жийда ниҳоллари экишни тавсия этиш мумкин.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда ёзда дарахт соясида ҳарорат 7-10 даража паст бўлади. Агар дарахт атрофидан ариқ ўтган бўлса, у теварак-атроф учун микроиқлим яратади.

Республикамизда 200 дан ортиқ турда ўсимликлар, манзарали дарахтлар бор. Ҳовлингизга эман, қайин, қарағай, арча экинг, Халқ оғзида гап юради: арча эксанг, армонинг йўқ, эман эксанг, ҳасадинг, қарағай эккан, қаримайди...

Бир қарашда дарахтлар шунчаки ўсимликдай туюлади, соя солади, мева беради, ёғочидан саноатда қоғоз тайёрланади. Аммо ўсимликлар биоэнергия манбаи ҳамдир. Айниқса, қарағай, қайин, мирзатерак, эман, кедр дарахтининг биоэнергияси кучли. Қарағайни олсак, унинг биоэнергияси одам руҳсизланганда куч беради, арча бўлса, инсон кўнглини кўтаргувчи, қувонч туйғусини оширгувчи дарахт. Эмандан чиққан биоэнергия руҳга хотиржамлик, сокинлик бағишлайди, юрак ва асабни тинчлантиради, қайин чарчоқ ёзади, терак баргининг шитирлаши эса уйқуга мойиллик уйғотади.

Дарҳақиқат, кейинги йилларда республикамизда, айниқса, Тошкент шаҳрида замонавий кўп қаватли биноларга туташ майдонлар кўкаламзорлаштириляпти, майсазорлар яратилаяпти. Кўчалар, йўллар четига игна баргли дарахтлар кўп экилаяпти. Сабаби, куз, қиш мавсумида хазонрезги бошланиб, дарахтлар япроғи сарғаяди, кейин тўкилади. Игна баргли дарахтлар эса хазонрезги фаслда ҳам ўзидан кислород чиқаради, ҳавони тозалайди.

ҲАЁТ ФАЛСАФАСИ:

Отам кўпинча: «Ўрмондан ўтган одамнинг умри ўн йилга узаяди, ўрмонни асраган ўзини асрайди, бир туп кўчат ўтқазган мингни асрайди», дерди.

Чатнаган чўлнинг овлоқ бағрида бир уйни қуршаган «Тўғарак мирзатерак» — мўъжизагина ўрмонзор хотиралар кўзгусида, узоқлардан элас-элас кўринар экан, «5-10 тупгина арча эксам» деган армонли таниш сас ҳамон қалбим қирғоқларига келиб урилаверади...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХОРІJDA

ҲАЛОКАТ ЧОҒИДА...

Мехико марказидаги авиаҳалокатда Мексика ички ишлар вазири Хуан Камило Моуриньо қурбон бўлган. AFP хабарига кўра, ҳалокат чоғида камида уч киши ўлган.

Шаҳар мэри Марсело Эбрард жабрланган беш кишининг оғир аҳволда касалхонага келтирилганлигини маълум қилди. Самолётда бўлган яна бир, тўққизинчи йўловчининг тақдири номаълум қолмоқда. Сан-Луис-Потоси шаҳридан Мехикога учаётган самолёт шаҳар қоқ марказига қулаб тушиб, портлаб кетган.

БАРАК ОБАМА ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

4 ноябрдаги сайловларда ғалаба қозонган АҚШнинг бўлғуси президенти Барак Обама Чикагодаги ўн минглаб сафдошлари ҳузурида тантанали нутқ сўзлади. Обама ўз ҳаммаслаклари ва оиласи аъзоларига қўллаб-қувватлов учун миннатдорчилик билдириб, Америка халқининг танлови АҚШ бирлигини яна бир карра тасдиқлаганлигини таъкидлади. АҚШ янги президентининг чиқиши CNN телеканали орқали тўғридан-тўғри олиб кўрсатилди. Барак Обама сайловолди пойгасидаги рақиби Жон Маккейнга ҳурмат изҳор этган ҳолда, президентлик муддати чоғида республикачи билан ҳамкорлик қилишга ваъда берди.

2008 йил 4 ноябрдаги АҚШ президенти сайловида Обама мамлакатнинг энг асосий штатлари сайловчиларининг овозини олишга эришган. Шундай қилиб, у АҚШнинг мамлакат тарихидаги биринчи қора танли президенти бўлди. 2009 йил январи охирида АҚШнинг 44-президенти қасамёд маросими ўтказилади.

ПАРВОЗ ЯНА КЕЧИКТИРИЛДИ

Франс-Пресс агентлиги «Боинг» корпорацияси томонидан «Орзу ҳаво кемаси — Boeing 787 Dreamliner»нинг биринчи парвози санаси кўчирилганлигини маълум қилди. Корпорация матбуот хизматининг аниқлик киритишича, бундай қарорга самолётдаги қатор бириктирувчи элементларни ўрнатишдаги муаммолар, шунингдек, компания механикларининг иш ташлаши сабаб бўлган. Янги ҳаво кемаси биринчи парвозининг вақти тайёргарлик жараёни тугаши билан эълон қилинади. Айтиш керакки, «Боинг» компанияси ҳаво кемаси биринчи парвозининг санасини бир неча маротаба ўзгартирди. Тахминларга қараганда, «Орзу ҳаво кемаси»нинг биринчи буюртмачиси бўлган Японияннинг Ail Nippon Airways компанияси 2009 йили уни қабул қилиб олиши мумкин.

ЁНҒИНГА САБАБ

Немис полицияси Ганновер шаҳри яқинидаги Германия автобанларидан бирида ёниб кетган йўловчилар автобусидаги ёнғин сабабини маълум қилди. AFF хабар беришича, йўловчилардан бири ҳожатхонада ўчирилмаган сигаретани қолдирган. Полиция тахмини бўйича, бу ёнғинни келтириб чиқарган. Тутун чиқаётганини кўрган йўловчилардан бири эшикни очиши билан ёнғин бутун автобус бўйлаб тарқаган. Сўнгги маълумотларга қараганда, ёнғин 20 йўловчининг умрига зомин бўлган, 12 киши эса оғир жароҳат олган.

UNDP — *БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси*

Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги

ТАРАҚҚИЁТ САРИ

ICTP ICT POLICY — *БМТТДнинг «АКТ сиёсати» лойиҳаси*

БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси билан ҳамкорликда ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги янги лойиҳани бошламоқда.

«Тараққиёт сари» рукни остида «Ўзбекистон овози» газетасида йил давомида ҳар ойда 1 маротаба чоп этиладиган лойиҳадан асосий мақсад — аҳолининг ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) соҳасидаги билимини ошириш, Ўзбекистон ҳамда жаҳонда мазкур соҳада рўй бераётган янгиликлардан бохабар этишдан иборат.

3G — МОБИЛ АЛОҚА ТАРМОҒИНИНГ РИВОЖИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ

3G — бу мобил алоқа стандартлари ва технологияларининг учинчи авлодидир. Маълумки, уяли алоқанинг биринчи авлодига аналогли стандартлар, масалан AMPSнинг бошланғич модификацияси бўлган NMT-450 стандарти киради. Бу стандарт ҳаммамизга таниш, зеро юртимиздаги мобил алоқа компаниялари ўз фаолиятини айнан шулардан бошлаган.

Стандартларнинг иккинчи авлоди AMPS стандартининг рақамли варианти бўлган DAMPS стандартини ҳамда GSM ва CDMA технологиялари асосида тузилган тармоқларни ўз ичига олади. Улар сигнални рақамли узатиш принципи бўйича ишлайди, бошқача айтганда, овоз рақамлар ёрдамида кодланиб, шифрланган тарзда узатилган.

2G тармоқларида маълумот узатишнинг тезлиги биринчи авлодга нисбатан сезиларли ошганлигига қарамасдан, Интернетнинг кундалик ҳаётимизга кириб келиши билан боғлиқ ўсиб бораётган эҳтиёжлар натижасида, GSM стандарти асосида GPRS технологияси — пакетли маълумотлар узатиш технологияси ишлаб чиқилди, у тезликни 114 Кбит/сонияга оширишга имконият яратди.

3Gнинг аввалги авлодлардан асосий фарқига келсак, **мутахассис Бобир Назарзоданинг фикрича,** бу юқори тезликда катта ҳажмдаги маълумотларни узатиш, яъни 2-авлод тармоқларига нисбатан қисқароқ вақтда ишлаш демакдир. Амалий жиҳатдан ушбу хизматлар-видеоқўнғироқ, Интернет тармоғига юқори тезликда уланиш, мобил телевидение хизматларида ўз аксини топган.

3Gнинг устунликлари — булар маълумотлар узатишнинг юқори тезлиги, Интернет тармоғига доимий эга бўлиш ҳамда қўшимча хизматлар рўйхатини сезиларли кенгайтиришдир. Видеоқўнғироқ, мобил телевидение, видеостриминг, Интернетга юқори тезликда уланиш 3G тармоғининг қўшимча хизматларига киради.

Шуни айтиш керакки, мамлакатимизда 3G тармоғи қурилиши бугунги кунда қатор шаҳарларда амалга оширилмоқда. Буларга мисол қилиб Тошкент шаҳри ҳамда вилояти, Самарқанд шаҳарларини келтириш мумкин. 2009 йил бошларига келиб эса Хива, Бухоро, Урганч шаҳарларида ҳам 3G тармоғидан фойдаланиш мумкин бўлади.

Юртимизда GSM стандартида фаолият юритаётган мобил алоқа компаниялари маълумотларига кўра, 3G тармоғи HSDPA (High speed download packet access) опцияси асосида қурилмоқда, бу эса тармоқни 3Gгина эмас, балки 3,5Gга айлантиришга имкон беради. Шунингдек, CDMA стандартида иш юритаётган мобил алоқа компаниялари ҳам CDMA-200 1x EV-DO стандартидаги 3G тармоғини ишга туширишни мўлжалламоқда.

3G тармоғининг ривожланиши мобил алоқа абонентларига мультимедиа контенти ёрдамида юқори тезликда маълумот алмашиниш, электрон почта билан ишлашни янада тезлаштириш, онлайн ўйинлар, турли файллардан фойдаланишда янада кўпроқ қулайликлар яратади.

NGN — ЯНГИ АВЛОД ТАРМОҒИ

NGN (Next Generation Network — Янги авлод тармоғи) — бу сифати кафолатланган чексиз телекоммуникация хизматларини тақдим этиш ва фойдаланувчининг глобал мобиллигини таъминлайдиган кенг полосали пакетли тармоқ асосида қурилган технологиядир. Бошқача қилиб айтганда, бу маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасининг кенг турдаги қўшимча хизматлар — видеотелефон, видеоконференция, Интернетдан тезкор фойдаланиш, маълумотларни тезкор узатиш, жумладан, рақамли каналларни ижарага олиш, IP (Internet Protocol — тармоқлараро протокол) — телевидение, мультисервисли корпоратив тармоқ, IP-телефония, электрон ҳужжат айланиши, электрон тижорат, масофадан туриб ўқитиш каби комплекс тизимларни ўзида мужассамлантирган хизмат туридир. NGN технологияси иқтисодий устуворликларга эга, у қўшимча даромад манбаи бўлган янги хизматларни татбиқ этиш имконини беради.

NGN тармоғининг анъанавий тармоқлардан фарқи — унда айланаётган барча маълумотлар 2 ташкилий қисмга ажратилган. Бу — абонентлар коммутациясини таъминлаб берувчи ҳамда қўшимча хизмат турларини тақдим этадиган сигнал маълумот ва овозли алоқани етказиб берувчи ахборот маълумотидир.

NGN тармоғи Интернет технологияларни ўзида мужассам этган IP протоколи ҳамда бошқа юқори технологияларга асосланган.

— NGN тармоғининг Ўзбекистондаги истиқболига келсак, мамлакатмизда телекоммуникация тармоқларининг NGN тармоқларига ўтиш жараёни аста-секин ва босқичма-босқич амалга оширилиши керак, — дейди **Фан-техника маркетинг тадқиқотлари марказининг ахборот-коммуникация илмий тадқиқотлари департаменти бошлиғи Асилжон Мирҳабибов.** — Ҳозирги вақтда Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини рақамлаштириш жараёни тугалланаяпти. Ушбу босқичда NGN тармоқлари билан ишлай оладиган (тегишли интерфейслар ва протоколларга эга бўлган) ҳамда осонлик билан (конфигурациясини жуда оз ўзгартирганда) NGN тармоғи ускуналарига мослашадиган рақамли коммуникация тизимларини (РКТ) жорий этиш зарур. NGN тармоқлари жорий этилаётганда ушбу РКТлар катта қўшимча харажатларсиз, анъанавий тармоқлар билан NGN тармоқлари оралиғида ишга туширилади. Бугунги кунда республикада «ТШТТ», «Ўзбектелеком» АЖ, «East Telecom», «Sarkor Telecom», «Бузтон» компаниялари ҳамда айрим мобил алоқа операторлари ўз фаолиятида қисман NGN тармоғини татбиқ этиб, бу йўналишда кенг кўламли ишларни олиб бораяпти.

БМТ Тараққиёт Дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг «АКТ сиёсати» (ICTP) лойиҳаси «Ўзбекистон овози» газетасида «Тараққиёт сари» рукни остида ахборот-коммуникация технологияларига соҳасига оид викторинани эълон қилмоқда. Ҳар ойда 3 тадан савол эълон қилиниб борилади. Йил давомида барча саволларга ўз вақтида аниқ ва тўлиқ жавоб йўллаган муштарийларини қимматбаҳо совғалар кутмоқда!

ВИКТОРИНА САВОЛЛАРИ:

1. *Wi-fi и WiMAX атамаси қандай маънони англатади, уларнинг бир-биридан фарқини айтинг?*
2. *WiMAXдан фойдаланиш афзалликларини санаб ўтинг?*
3. *Дунёнинг қайси мамлакати энг катта ва тўлиқ WiMAX тармоғига эга?*

Жавобларни қуйидаги манзилга: *Тошкент, 100084, Амир Темур кўчаси, 108-уй, 5-қават, БМТ Тараққиёт дастурининг «АКТ сиёсати» лойиҳасига ёки taraqqiyot@ictp.uz электрон манзилига юборишингиз мумкин.*

Хатда «Ўзбекистон овози» — «Тараққиёт сари» викторинасига деб кўрсатишни унутманг.

АНОНС

ICTP лойиҳаси билан ҳамкорликда тайёрланаётган АКТ соҳасидаги навбатдаги саҳифада Wi-fi ҳамда WiMAX мавзулари атрофлича ёритилади.

t

NBU

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки

LCD мониторларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этиш тўғрисидаги аризаларни (Банк томонидан белгиланган шакл бўйича) йўллаган юридик шахсларга танлов ҳужжатлари мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб, 5 тақвим куни мобайнида компания (фирма)нинг улгуржи маҳсулот етказиб бериш ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этиш шарти билан берилади.

Олинган танлов ҳужжатлари асосида тайёрланган тижорат таклифлари (оферт) қайси шаклда (почта ёки чопар орқали) жўнатилишидан қатъи назар, уларни қабул қилиш мазкур эълон чиққан сананинг эртасидан бошлаб, 15 тақвим куни ўтганидан сўнг соат 17.00 да тўхтатилади.

Қуйидаги манзил бўйича ариза шакли ва танлов ҳужжатлари олинади, шунингдек, тижорат таклифлари (оферт) жўнатилади:

100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 101.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Бош маъмурий биноси.

Телефон: 234-42-95,

Интернет-сайт: www.nbu.com

Мулоқот қилувчи шахс:
Митрошин Олег Александрович

Тошкент Қишлоқ хўжалиги институти томонидан 1986 йилда Тошбаев Раҳматулла Турсунбаевич номига берилган НВ № 930932 рақамли олий маълумот ҳақидаги диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

✓ Футбол

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ ЛАҲЗАЛАР

Саудия Арабистонида ёшлар ўртасида ўтказилаётган Осиё чемпионати баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Кеча мусобақанинг гуруҳ учрашувлари ниҳоясига етди.

«А» гуруҳида барча ўйинларни муваффақиятли ўтказган Япония ва Саудия Арабистони ёшлар терма жамоалари бир хил еттитадан очко жамғариб, чорак финалга йўлланма олишди. «В» гуруҳида эса кейинги босқичда тўп суриш Бирлашган Араб Амирликлари ва Жанубий Корея футболчиларига насиб этди. Энди 8 ноябрь куни бўлиб ўтадиган чорак финал учрашувларида Япония — Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликлари — Саудия Арабистони ёшлар терма жамоалари ўзаро рўбарў келадилар.

«С» ҳамда «Д» гуруҳларидаги сўнгги тур ўйинлари кеча бўлиб ўтди. Дастлабки гуруҳда КХДР — Хитой, Тожикистон — Ливан футболчилари учрашувлари ўтказилган бўлса, «Д» гуруҳи баҳсларида қатнашаётган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси таиландлик тенгдошларига қарши майдонга тушди. Аввалги ўйинларда иккитадан сариқ карточка олган ҳамюртларимиз Дилёрбек Эрматов ҳамда Суннатилла Мамадалиевлар Таиланд терма жамоаси билан кечган учрашувни томошабинлар қаторида кузатишди. Бунгача биттадан ғалаба ва дурангга эришган Аҳмад Убайдуллаев шогирдлари кейинги босқичга чиқишлари учун таиландликлар билан камида дуранг ўйнашса кифоя қилади. Гуруҳдаги иккинчи ўйинда эса Иордания — Австралия вакиллари куч синашди.

«ЎЗДОНГЖУ» ОЛИЙ ЛИГАНИ ТАРК ЭТАДИ

«Бунёдкор» — «Қизилқум», «Шўртан» — «Пахтакор» жамоалари учрашувлари билан Ўзбекистон XVII миллий чемпионати олий лигаси 26-тур баҳсларига якун ясалди. Ушбу учрашувларда кутилмаган натижалар қайд этилмади. Чемпионат пешқадами қучлилар қаторида ўз мавқеини сақлаб қолиш учун курашаётган зарафшонликларни кичик ҳисобда мағлубиятга учратди — 1:0. Ғалаба тўпини Баҳодир Пардаев киритди.

Мамлакатимизнинг амалдаги чемпиони «Пахтакор» футболчилари Ғузорда «Шўртан» жамоаси дарвозасига жавобсиз икки тўп йўллашди — 0:2. Пахтакорчилар киритган тўпларга Владислав Кирьян, Зайниддин Тожиевлар муаллифлик қилдилар.

Мавсум бошидан бери аутсайдерлар қаторидан жой олган Андижоннинг «ЎзДонгЖу» жамоаси сафарда «Динамо» футболчиларига йирик (3:0) ҳисобда ютқазиб, амалда келгуси йили олий лигада тўп суриш ҳуқуқидан маҳрум бўлди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Металлург» — «Насаф» — 1:0, «Машъал» — «Сўғдиёна» — 0:0, «Локомотив» — «Нефтчи» — 4:1, «Андижон» — ОТМК — 1:0, «Навбаҳор» — «Бухоро» — 0:1.

27-тур ўйинлари 8 ноябрь куни бўлиб ўтади.

Эркин ХОЛБОБО

✓ Истиқлол тенгдошлари

ҚИЗЛАР РАЪНОСИ

Жиззахлик Раъно Баҳриддинова эндигина балоғат фаслига қадам қўймоқда. У Жиззах туманидаги 16-мактабнинг 9-синфини аъло баҳолар билан тамомлаб, таҳсилни Жиззах давлат педагогика институти қошидаги академик лицейда давом эттирмоқда. Инглиз, немис, рус тилларида эркин сўзлаша олади.

Раъно 5-синфдаёқ шеър ёзиб, расм чиза бошлаган. Ўтган йили ёш ёзувчи-шоирларнинг Зомин семинарида иштирок этди. Ҳа, айтганча, унинг илк шеърий тўплами китобхонлар қўлига бориб теккан. Шу кунларда ўзи чизган расмлар билан безатилган иккинчи шеърлар китоби нашрга тайёрланмоқда.

— Биз, ёшлар юксак марраларни забт этишимиз учун Президентимиз томонидан катта имкониятлар яратиб берилган, — дейди у. — Бу эътибор ва ғамхўрликнинг қадрига етиб, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида ўз ҳиссамизни қўшиш — бизнинг фарзандлик бурчимиз, деб ҳисоблайман.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.
Доногул ЖЎРАЕВА олган сурат.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ ОБЪЕКТЛАРИ ҚУРИЛИШИ БЎЙИЧА ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотни реконструкция қилиш бўйича пудратчи ташкилотни танлаш юзасидан очиқ

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Сурхондарё вилояти, «Хўжаипак» сув тармоғини реконструкция қилиш бўйича 2-босқич ишларини амалга ошириш.

Қурилиш муддати — 20 ой.

Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — «Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компаниясига ажратилган Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачи: «Ўзкоммунхизмат» агентлиги объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси.

Манзили: Термиз шаҳри, Ниёзбек йўли кўчаси, 1-уй.

Тел/факс: (8-371) 235-78-24, 234-05-09, 234-05-08.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб беришлари лозим: танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй, Телефон/факс: (8-376) 222-44-73, 222-44-76.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.

Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: **Термиз шаҳри, А.Темур кўчаси, 69-уй.**

Қашқадарё вилоят Хўжалик судининг 18-0804/15996, 18-0804/15997, 18-0808/15998 сонли иши бўйича 2008 йил 16 октябрь куни қабул қилинган ҳал қилув қарорлари билан Китоб туманидаги «Зимородок Ван», «Оқ олтин» фирмалари ва «Савоб» кичик корхонаси банкрот деб топилган ҳамда уларга нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги муносабати билан уларга тегишли думалоқ муҳри ва бурчак штампи бекор қилинади.

Юқорида қайд этилган юридик шахсларга нисбатан 1 ой муҳлат ичида кредиторлик талабларини қуйидаги манзилга билдиришингизни сўраймиз:

Китоб тумани ДСИ юридик шахсларни солиққа тортиш бўлимига ва Китоб тумани «Қашқадарё мармар» МЧЖ тугатиш бошқарувчисига.

Телефонлар: +998755264575, 522-83-83

✓ Китоб жавонингизга

ОНА ШАҲРИМ ТОШКЕНТ

Ҳар бир киши ўзи туғилган, вояга етган маконни доимо эъзозлайди, ардоқлайди. Ғурур ва фахр билан тилга олади. Таниқли тарихчи олим Ҳамид Зиёев ҳам яқиндагина чоп этилган **«Она шаҳрим Тошкент ва ҳаёт йўлимдан лавҳалар»** асарида жонажон Ватанимизнинг гўзал пойтахти — Тошкент шаҳрининг тарихи, узоқ ва машаққатли йўлини ёритишга ҳаракат қилган. Китобнинг дастлабки саҳифаларини ўқигандаёқ худди бепоён уммонга шўнғигандек бўласиз. Бири-биридан муҳим тарихий манбалар асосида тасвирланган лавҳалар одамни беихтиёр ўзига тортади.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича XVII асрнинг охирига келиб Тошкент бағрига шамол тегади. Харобага айланган шаҳар ҳашар йўли билан обод қилинади. Нураган деворлар тикланади. Шаҳарда ва унинг атрофида тинчлик ва барқарорлик ўрнатилгани туфайли тўқимачилик, тикувчилик, кўнчилик, темирчилик, заргарлик ва ҳунармандчиликнинг бошқа турлари ривожланади. Деҳқончиликда ҳам силжиш бўлади. Айниқса пахта, пилла етиштириш кўпаяди. Ички ва ташқи савдо ривожланади. Шу каби бири-биридан сермазмун, қизиқарли тарихий лавҳаларни ўқир экансиз, пойтахтимизнинг тарихи кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Аслида жонажон пойтахтимиз мустақиллик йилларида Президентимиз раҳбарлигида бутунлай қайтадан бунёд этилди. Ўзбек шаҳарсозлигининг ноёб дурдоналари яратилди. Истиқлол туфайли Тошкент қайтадан чирой очиб, гуллаб, яшнамоқда.

Тошкентнинг Шайхонтоҳур, Себзор, Кўкча, Бешёғоч даҳасига бўлингани ва бу даҳалардаги маҳаллалар, мавзелар бирма-бир санаб берилгани китоб қимматини янада оширади.

Юқорида айтилганидек, Тошкент шаҳрининг машаққатли тарихи китобда ички сарлавҳаларга бўлиниб тасвирлангани диққатга сазовор.

Хулоса қилиб айтганда тарих фани билимдони, айни дамда жонкуяри Ҳамид Зиёев ўз олдига қўйган мақсадга эришган. Бу кенг қамровли асарни ўқиган ҳар бир китобхон ўзи учун кўплаб янгиликлар топади. Зеро китоб ўқишдан мақсад маънавий озиқ олиш, ўз илмини бойитишдир. Олимнинг бу китобини ўқиган кишида она-юртимизнинг буюк ўтмиши билан фахрланиш, порлоқ келажаги билан ғурурланиш туйғуси янада кучайиши шубҳасиз.

Шу кунларда қадимий ва навқирон Тошкентнинг 2200 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Мозийдан илм-фан ва маданиятнинг йирик маркази, тинчлик ва дўстлик рамзи бўлиб келаётган пойтахтимизнинг қутлуғ-тўйини юксак нуфузи ва мавқеига муносиб равишда нишонлаш, унинг дунё миқёсидаги обрў-эътиборини янада ошириш, халқимиз, айниқса, ёшларимиз қалбида Ватанга муҳаббат ҳамда садоқат туйғусини янада кучайтириш йўлида кўпгина эзгу ишлар амалга оширилаётир. Мазкур китоб ҳам ана шундай эзгу ишларга хизмат қилади.

Китоб Ўзбекистон фанлар академияси «Фан» нашриётида чоп этилган.

Юнус ЗИЁДОВ, фахрий журналист.

КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Шаҳрисабз туман «Шаҳрисабз Ёғ-пишлоқ» МЧЖ, СТИР 200673677.

Ҳуқуқий манзили: Шаҳрисабз шаҳри, Маърифат кўчаси, 40-уй.

Қашқадарё вилояти хўжалик судининг 18-0806/9177-сонли иши бўйича 2008 йил 6 октябрь куни қабул қилинган ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва қарздор корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланган.

Кредиторларнинг қарздорга талаблари тугатиш бошқарувчиси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади.

Шаҳрисабз шаҳри, Маърифат кўчаси, 40-уй, «Шаҳрисабз Ёғ-пишлоқ» МЧЖ маъмурий биноси. Тел: (8-375) 522-58-05.

Кредиторлар талаблари мазкур эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.

✓ Қилмиш-қидирмиш

ИЧКИЛИКБОЗЛИК БАЛОСИ

Она. Давлатмандлик чоғингда ҳам, чўнтагингда ҳемиринг қолмаганида ҳам кўнгил сирдошинг бўлиб кўзларингга термулиб тураверади. Қадамингдан шижоат ўти чақнаганда онанизорнинг дуоси балолардан асрайди. Бемор-хаста бўлиб, ҳатто жуфти ҳалолинг, жонингдан жон ато эттанинг — фарзандларингга ортиқча «юк» бўлганингда ҳам она сени кўз қорачиғидек асрай олади. Аммо фарзанд...

Зоя Горбунова ҳам Александрани дунёга келтирганда бошқа оналардек тўлғоқнинг ҳаёт ва ўлим орасидаги йўлини босиб ўтган. У ҳам тунларни тонгларга улаб бедор ўтказган. Неки яхшилик бўлса, фарзандига тилаган.

Александра турмушга чиққач, Зоя опа бироз тинчигандек бўлди. Бир қараганда икки фарзанд — Павел ва Любани дунёга келтирган Александра Лемишова ҳам она бўлиб, онасининг қадрига етгандек эди. Афсуски... Бухоро шаҳар Пири дастгир кўчасидаги кўп қаватли уйларда бир-бирларидан узоқ бўлмаган хонадонларда алоҳида-алоҳида истиқомат қилган Зоя Горбунова ҳамда Александра Лемишовалар ўртасидаги ўзаро суҳбатларнинг аксарияти жанжал билан якун топарди. Александранинг қизи — Любанинг Россиядан қайтиши вазиятни баттар чигаллаштирди.

Шу орада Зоя Горбунова яшаб турган уй сотилади. Когон шаҳридан харид қилинган умумҳовлига Зоя опа қизи Александра ва невараси Павел билан кўчиб ўтади.

Люба жазмани Анварнинг уйида яшаб турган бўлса-да, онаси Александра билан кунда-кунора кўришар, қиттак-қиттак отиб кўнгилхушлик қиларди. Апрель ойининг ўрталари. Спиртли ичимликнинг таъсиридаги онаю қиз Когон шаҳрига кетишга чоғланишди. Танишлари ишлайдиган буюртма такси — «053»га қўнғироқ қилишди. Айтилган вақтда етиб келган машина бир зумда Когон шаҳрига келди.

Эшик тақиллашидан Горбунованинг юраги безовталанди. «Александра ичиб келган бўлса-я...» Онанинг кўнгли алдамайди. Ҳақиқатдан ҳам дарвоза олдида қизи ва невараси Люба маст ҳолда туришарди.

— Яна ичиб олибсизлар-да, уятсизлар. Эшикни очмайман, уйимга киритмайман, — деб уларни тартибга чақирмоқчи бўлган кекса кампирни онабола икки қўлидан судраб, уйга олиб киришди.

Зоя Горбунова қаршилик кўрсатишга ҳар қанча уринмасин, невараси ва қизига кучи етмади. Онасини оёқлари билан босиб турган Александра йиртқич маҳлуқдан ҳам баттар важоҳатда эди. Ҳолбуки, вахший ҳайвон ҳам ўз онасини ўлдиришга ожизлик қилади. Люба жон талвасасида типерчилаётган бувиси қўлларидан ушлаб, босиб турди. Ошхона пичоғини олиб келган Александра онасининг бўйин, кўкрак қисмига бир неча марта пичоқ урди...

Қўллари қонга ботган Александра ва Люба машъум қотилликдан сўнг «Темирйўлчилар» истироҳат боғига бориб, бемалол сайр қилишади. Қачон ўзларига келишди, қилган мудҳиш жиноятлари ҳақида ўйлаб, виждонлари азоб тортдими, йўқми, у ёғини Худо билади...

Суд ҳукми билан Александра ҳамда Любовь Лемишоваларнинг ҳар бири 16 йилга озодликдан маҳрум этилди. Ичкиликбозлик балоси бир она ҳаётига зомин бўлди, бир она қизи билан умрини қамоқда ўтказадиган бўлди, бир бола етим қолди...

Манзура ҲАЙИТОВА, Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи.
Моҳира ШАКАРОВА, журналист.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Tat`yana KISTANOVA
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45, (Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 233-12-56
Mas`ul kotib 233-72-83, 236-55-17
Reklama va e`lonlar 233-38-55, 233-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz
e-mail: uzbovozi@mail.ru

Navbatchi: Behzod SHUKUROV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049
7706 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari

O`zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23-30
1 2 3 4 5 6 8

Sotuvda erkin narxda